РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИГА ҚАРШИ НАМАНГАН УЕЗДИДА НОРОЗИЛИКЛАРИНИНГ КУЧАЙИШИ

Н.Н.Қурбонова

Мақолада Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олгандан сўнг Наманган уездида деҳқонларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши норозилигининг кучайиши архив маълумотлари асосида ёритилган.

***Калит сўзлар**: мустамлакачилик сиёсати, туб аҳоли, соқчилик хизмати, қўзғолон.*

В статье, на основе архивных материалов, освещена усиление недовольства дехкан Наманганского уезда колониальной политикой после завоевания Кокандского ханства Российской империей.

***Ключевые слова**: колониальная политика, коренное население, царская охранка, восстание.*

On the basis of archive materials the article depicts the real situations concerning the dissatisfaction of peasantsof Namangan branch colonial poicy after the invation of of Kokand Khanate by the tsarist government of Russia.

***Key words:** colonialization, inhabiants guard service, local intelligence, religious leaders, peasants, injustice, shovinistic, firm, rebellion, broker.*

Рус қўшинлари Фарғона водийсининг ичкарисига кириб бориш режаларида Қўқон, Марғилон ва Андижон шаҳарларидан олдин Наманган шаҳрини эгаллашни кўзлаган. Лекин Черняевнинг ўрнига келган Туркистон вилояти ҳарбий губернатори генерал-майор Д.И.Романовский мақсадини яшириб, 1866 йил июнь ойида Қўқон хони Худоёрхонга юборган хатида "... менинг ишончим комилки, Қўқон Россияга самимий ишонса, бизнинг муносабатларимиз икки томонга ҳам баробар фойдали бўлади [1]. Сизнинг қўшинларингиз Сирнинг ўнг қирғоғига ўтишига ижозат бермаслигингизни илтимос қиламан... Наманганга мутахассисларимиз асосан илмий вазифалар билан боришига қарши бўлмайсиз деб ўйлайман..." [2] – деб ёзган эди.

Фарғона вилояти тузилганида унинг таркибида Андижон, Ўш, Марғилон (1912 йил май ойидан – Скобелев), Қўқон, Наманган ва Чуст уездлари ташкил этилган эди. Охирги икки уезд иқтисодиёти, асосан, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдодан иборат бўлгани сабабли аҳолининг аксарият қисми қишлоқ ҳудудларида яшаган. Вилоятнинг бошқа уездларига қараганда Наманган ва Чуст уездларида аҳоли турмушида анъанавий одатларга содиқлик ва мусулмон руҳонийлари таъсири кучлироқ бўлган. Айни вақтда, бу уездларда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий, сиёсий фаоллиги сезиларли даражада пастроқ эди. Лекин мустамлакачилик шароитида туб аҳолининг аҳволи оғирлашиб боргани сари унинг ижтимоий, сиёсий мавқеи ҳам жиддий тарзда ўзгарди.

Рус қўшинлари Наманган шаҳрини, Чуст, Поп ва Нанайни эгаллаганидан кейин бу жойларда тез орада туб аҳоли қўзғолон кўтарган. Қўзғолонлар, ғалаёнлар шафқатсиз бостирилган, бироқ улар қайта-қайта содир бўлаверган. Шунинг учун, вилоятнинг бошқа уездларида кузатилганидек, Чуст ва Наманган уездларида ҳам соқчилар хизмати, полиция муассасалари маҳаллий зиёлилар, уламолар ва фаол деҳқонлар устидан назорат ўрнатишга, хатти-ҳаракатларини кузатишга катта эътибор берган. Натижада, масалан, Наманган уездининг бошлиғи майор П.Аверьянов вилоят ҳарбий губернаторига 1877 йил 6 майда юборган ахборотида "1875 йил октябр ойида бўлган Наманган қўзғолонининг ташвиқотчилари ва раҳбарларидан бири Абдураҳмонхўжа Ҳожи хон даврида йирик амалдор бўлган. Наманган уездининг ҳудуди забт этилганидан кейин у шу ерда волость бошқарувчиси лавозимида қолган. Қўзғолон бостирилгач, унинг омон қолган иштирокчилари рус ҳокимиятидан авф этишни сўраган ва уларнинг жиноятлари кечирилган. Лекин Абдураҳмон Ҳожи ҳузуримизга келмади ва Намангандан ғойиб бўлди... Яқинда Тўқмоқ шаҳрида (Еттисув вилоятида – Н.К.) яшаётган наманганликлардан ўз юртига қайтишга рухсат бериш сўраб ёзилган аризалар орасида мазкур Абдураҳмон Ҳожининг ҳам аризаси бор. У қўзғолонда узоқ вақт қатнашгани унутилди, деб ўйлаган бўлиши мумкин. Унга нисбатан тегишли чораларни қўллаш керакми ёки қўзғолонда қатнашганини оқибатсиз қолдириш лозим бўладими. Шу масала бўйича қарорингизни билдиришингизни сўрайман" [3], – деб ёзган. Ҳарбий губернатор А.К.Абрамов ушбу ахборотнома матни устига "Абдураҳмонни жавобгарликка тортмасдан тегишли

назорат остига олиш, ҳозирги хатти-ҳаракатларини кузатиш лозим” [4] деб ёзиб қўйган.

Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман 1876 йил ноябрь ойида Қўқон, Марғилон, Андижон шаҳарларига қилган сафарида маҳаллий аҳолига ғамхўрлигини кўрсатишга интилган ва шу боисдан вилоятнинг йирик шаҳарлари, жумладан, Намангандан келган уламоларнинг ҳам аризасини қабул қилган ва диққат билан кўриб чиқишга ваъда берган. Лекин маккор мустамлакачи бу аризани Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-майор М.Д.Скобелевга қолдирган. Уламолар ўз аризасида “Собиқ хон шариатга зид тарзда аҳолига нисбатан адолатсизлик, зўравонлик қилгани учун биз ундан юз ўгирдик. Энди оқ подшонинг ҳукмронлиги ўрнатилганидан бери унинг қонуни бизнинг орамизда жорий этилмаётир. Хон давридаги таҳқирлашлар, зуғумлар, ҳақоратлар ҳамон мавжуд, ҳатто кучлироқ бўлди, биз тинчлигимиздан маҳрум бўлдик. Шунинг учун оқ подшонинг қонуни ўрнига шариатни қолдиришингизни сўраймиз. Орамизда шариат амалда бўлса, биз итоаткор бўламиз” [5], – дейилган.

Туркистон, хусусан, Фарғона вилояти туб аҳолисига мустамлакачи амалдорлар муносабати нечоғли шовинистик ва буюкдавлатчилик характерида бўлганини М.Д.Скобелевнинг юқорида зикр этилган ариза юзасидан мулоҳазалари мисолида кўриш мумкин. Унинг ёзишича, “Мазкур ариза эътиборга лойиқ эмас, чунки, биринчидан, уни ёзганлар қўл қўймаган; иккинчидан, Рус ҳокимиятидан туб халқлар қандай зуғум ва таҳқирларга учрагани кўрсатилмаган. Бу ерда янги тартиб билан муроса қилмайдиган одамлар талаби ифодаланмоқда ва бундайларнинг сони йил сайин камайиб боришига эришишимиз зарур” [6].

Янги бошқарув тизими асосан мустамлакачилик мақсадларига хизмат қилиб, Чуст ва Наманган уездларида пахта етиштиришни ошириш манфаатини кўзлаб ер-сув муносабатларининг ўзгартирилиши, солиқлар миқдорининг кўпайтирилиши ҳақли равишда деҳқонлар норозилигини кучайтириб борди ва исёнларга, ғалаёнларга, қўзғолонларга сабаб бўлди. Айрим ҳолларда бошқарув идоралари, полиция маҳкамалари деҳқонларнинг исёнлари сабабини маҳаллий амалдорларнинг ножўя қилмишлари билан изоҳлар, айбни волость бошқарувчиларига, қишлоқ оқсоқолларига, солиқ йиғувчиларга тўнкар эди. Масалан, Наманган уезди Чортоқ волостидаги Муғум қишлоғи аҳли 1882 йил апрели бошларида ғалаён кўтарган. Лекин исёнчиларнинг учдан бир қисми солиқ йиғувчи Рафиқ Раҳматулладан норозилигини билдирган, учдан иккиси эса солиқ йиғувчи ҳалол, виждонли эканини, волост бошқарувчиси Мансурбой Девонбегиев қишлоқ аҳолисидан белгилангандан кўра ортиқча солиқ, тўловлар ундиришга одатланганини айтган. 53 нафар деҳқон Наманган шаҳрига келиб уезд бошлиғининг кичик ёрдамчиси ва бошлиқ уйларига бориб, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида ғазабланиб гапиргани учун 9 суткага қамалди [7]. Уезд бошлиғи Аверьянов вилоят ҳарбий губернаторининг рухсати билан Мансурбой Девонбегиевни волость бошқарувчиси лавозимидан бўшатди [8]. Лекин деҳқонларнинг адолатли талаблари қондирилмади. “Фарғонада, – деб ёзганди ўша давр мухбири, – туб аҳолининг турмуши ва пахта етиштиришнинг ривожлантирилишини кўриб шундай хулосага келдимки, пахта нархини оширадиганлар деҳқонлар эмас, балки халқ «жаллоблар» деб атайдиган даллоллар (чистачи ва аравакашлар)дир. Пахта рақобати учун курашда фирмалар ўз даллоллари орқали деҳқонларга пулни қарзга тарқатади. Фирмалар номидан қарз пулини тарқатган даллоллар пахтани имкони борича арзон баҳода олишга ва уни фирмага қиммат сотишга ҳаракат қилади. Ҳақиқатан ҳам деҳқонлар пахтани яхши нархда сотади, лекин буни қарз олмаган хўжаликларгина қила олади. Аммо қишлоқларда бундай оилалар кўп бўлмай, пахта баҳосини оширишга таъсир кўрсата олмайди. Маҳаллий аҳолининг ёзиғи эса даллолларнинг ўргимчак инларига ўхшаш панжараларига тушиш бўлиб, ундан қутулишнинг ҳеч иложи йўқ” [9].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустамлакачилик тизими келтирган миллий ва ижтимоий зуғум, аграр сиёсати билан боғлиқ ҳолда ер-сув муносабатларининг ўзгартирилиши, солиқлар, турли тўловларнинг кўпайтирилиши ва миқдорининг оширилиши оқибатида пайдо бўлган қийинчиликларни Наманган уездининг деҳқонлари барча туб аҳоли каби бошидан кечирган, лекин сўзсиз итоатда бўлмасдан, имкон қадар курашган ва мустамлакачилар олиб борган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бошқарувига қаршиликларини намоён этганлар.

Адабиётлар:

1. ЎзР МДА. И - 19-фонд, 34-рўйхат, 16-варақ (орқа)
2. ЎзР МДА. И - 19-фонд, 34-рўйхат, 17-варақ (орқа).
3. ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10572-иш, 1-12 варақлар.

4. ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10572-иш, 1 варақ.
5. ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 1-1 (орқа) варақлар.
6. ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 1-2 варақлар.
7. ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 17 варақ.
8. ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш; И - 1-фонд, 31-рўйхат, 3-иш, 32-50 варақлар.
9. Зиёев Х. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъант, 2000.- Б.187

Андижон машинасозлик институти
2015 йил 26 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)